

**ФУНДАМЕНТАЛ ВА
КЛИНИК ТИББИЁТ
АХБОРОТНОМАСИ**

***BULLETIN OF* FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

2026, №4 (24)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**
**ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК
ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ**
**ВЕСТНИК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ И
КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по фундаментальным и клиническим
проблемам медицины
основан в 2022 году

Бухарским государственным медицинским институтом
имени Абу Али ибн Сино
выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ш.Ж. ТЕШАЕВ

Редакционная коллегия:

*С.С. Давлатов (зам. главного редактора),
Р.Р. Баймурадов (ответственный секретарь),
М.М. Амонов, Г.Ж. Жарилкасинова,
А.Ш. Иноятов, Д.А. Хасанова, Е.А. Харибова,
Ш.Т. Уроков, Б.З. Хамдамов, Ф.К. Халлоқов*

*Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт имени Абу Али ибн Сино*

2026, № 4 (24)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 200100, г.
Бухара, ул. Гиждуванская, 23.

Телефон (99865) 223-00-50

Факс (99866) 223-00-50

Сайт <https://bsmi.uz/journals/fundamental-ya-klinik-tibbiyot-ahborotnomasi/>

e-mail baymuradovravshan@gmail.com

О журнале

*Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Бухарской области
№ 1640 от 28 мая 2022 года.*

*Журнал внесен в список
утвержденный приказом № 370/6
от 8 мая 2025 года реестром ВАК
в раздел медицинских наук.*

Отпечатано в типографии ООО
“Шарк-Бухоро”. г. Бухара,
ул. Ўзбекистон Мустақиллиги, 70/2.

Редакционный совет:

Абдурахманов Д.Ш.	(Самарканд)
Абдурахманов М.М.	(Бухара)
Ахмедов Р.М.	(Бухара)
Баландина И.А.	(Россия)
Бахронов Ж.Ж.	(Бухара)
Бернс С.А.	(Россия)
Газиев К.У.	(Бухара)
Деев Р.В.	(Россия)
Дустова Н.К.	(Бухара)
Зокирова Н.Б.	(Ташкент)
Казакова Н.Н.	(Бухара)
Калашникова С.А.	(Россия)
Каримова Н.Н.	(Бухара)
Курбонов С.С.	(Таджикистан)
Маматов С.М.	(Кыргызстан)
Мамедов У.С.	(Бухара)
Мирзоева М.Р.	(Бухара)
Миршарапов У.М.	(Ташкент)
Набиева У.П.	(Ташкент)
Нуралиев Н.А.	(Хорезм)
Наврозов Р.Р.	(Бухара)
Нарзиева Д.Ф.	(Бухара)
Орипов Ф.С.	(Самарканд)
Орипова Ф.Ш.	(Бухара)
Одилова Г.Р.	(Бухара)
Очилов К.Р.	(Бухара)
Раупов Ф.С.	(Бухара)
Рахмонов К.Э.	(Самарканд)
Рахметов Н.Р.	(Казахстан)
Рахматова С.Н.	(Бухара)
Султонова Л.Дж.	(Бухара)
Сайдуллаев З.Я.	(Самарканд)
Удочкина Л.А.	(Россия)
Файзиев Х.Б.	(Бухара)
Хамдамова М.Т.	(Бухара)
Хамдамов И.Б.	(Бухара)
Ходжаева Д.Т.	(Бухара)
Худойбердиев Д.К.	(Бухара)
Шодиева М.С.	(Бухара)
Эшонов О.Ш.	(Бухара)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ КЕСИМИДА ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ УЧРАШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ (2014-2024 ЙИЛ)

Рустамова Ш.А.

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд ш., Ўзбекистон

Резюме. Самарқанд вилояти туманларида ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) эпидемиологик жараёнининг ҳудудий, мавсумий ва ёшга оид хусусиятларини баҳолаш касалликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш учун амалга оширилди. 2014-2024 йиллар давомида Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ЎИИ таъхиси қайд этилган беморларнинг маълумотлари ретроспектив таҳлили баён этилган. Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Санитария-эпидемиология осойишталиги марказининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди. Интенсив ва экстенсив кўрсаткичлар ўрганилди, қиёсий таҳлил амалга оширилди.

Таянч сўзлар: ўткир ичак инфекциялари, эпидемиологик назорат, Самарқанд вилояти, ретроспектив таҳлил, олдини олиш чоралари.

ANALYSIS OF THE INCIDENCE OF ACUTE INTESTINAL INFECTIONS IN THE SAMARKAND REGION (2014-2024)

Rustamova Sh.A.

Samarkand State Medical University, Samarkand, Uzbekistan

Resume. To assess the territorial, seasonal, and age-specific characteristics of the epidemic process of acute intestinal infections (AII) in the Samarkand region to develop preventive measures. A retrospective epidemiological analysis of AII cases registered in the Samarkand region from 2014 to 2024 was conducted. Official statistics from the Samarkand Regional Health Department and the Center for Sanitary and Epidemiological Welfare were used. Intensive and extensive indicators were calculated, and a comparative analysis was conducted.

Keywords: acute intestinal infections, epidemiological surveillance, Samarkand region, retrospective analysis, prevention.

АНАЛИЗ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ОСТРЫМИ КИШЕЧНЫМИ ИНФЕКЦИЯМИ В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ (2014-2024 годы)

Рустамова Ш.А.

Самаркандский государственный медицинский университет, г. Самарканд, Узбекистан

Резюме. Оценить территориальные, сезонные и возрастные особенности эпидемического процесса острых кишечных инфекций (ОКИ) в Самаркандской области для разработки профилактических мероприятий. Проведен ретроспективный эпидемиологический анализ случаев ОКИ, зарегистрированных в Самаркандской области за период 2014-2024 гг. Использованы данные официальной статистики Самаркандского областного управления здравоохранения и Центра санитарно-эпидемиологического благополучия. Рассчитаны интенсивные и экстенсивные показатели, проведен сравнительный анализ.

Ключевые слова: острые кишечные инфекции, эпидемиологический надзор, Самаркандский область, ретроспективный анализ, профилактика.

e-mail: shahlo.rus1@gmail.com

Долзарблғи. Ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) болалар касалликлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий хусусиятлари ичак инфекцияларининг, айниқса 3 ёшгача бўлган болалар орасида кенг тарқалишига ёрдам беради [1, 2].

Кўпчилик тадқиқотчилар ўткир ичак инфекцияларида касалланиш даражасини хавф омилларини пасайтириш орқали санитар гигиеник тадбирлар билан бошқариб бўлади, деб ҳисоблашса-да, бу касаллик пасайиш тенденциясига эга эмас. Аҳолининг гигиеник яшаш тарзи барқарорлашиб боришига қарамасдан, ЎИИ билан касалланиш сони йил сайин ортиб бормоқда [5, 6].

Охирги йилларда дунё миқёсида иқлимнинг ўзгариши ва бу ўзгаришларнинг инсон организмга салбий таъсир қилиши оқибати тўғрисида кўпчилик олимлар бонг уришмоқда. Инсон

соғлиғига ташқи муҳитнинг тўғридан тўғри боғлиқлиги кўплаб адабиётлар ва илмий нашрларда ёритилган. Тадқиқотчиларнинг кузатувларига кўра, охириги 100 йил давомида иқлим ҳарорати ўртача 0,74 С га кўтарилган. Иқлимнинг ўзгариши кўплаб юқумли ва паразитар касалликларнинг ривожланишига ҳам таъсир қилади [8, 9]. Марказий Осиё давлатларида, ва шу жумладан, Ўзбекистон республикасида ҳам йилнинг турли фаслларида (қиш, баҳор, ёз, куз) аҳоли орасида турли хил юқумли касалликлар билан чалиниш ҳолатлари кузатилади. Масалан, куз ва қиш фаслида ўткир респиратор касалликлар, яъни ҳаво - томчи йўллари билан тарқаладиган касалликлар кўпроқ кузатилса, баҳор ва ёз ойларида ўткир юқумли ичак касалликларининг кўпайиши кузатилади [3, 10].

Ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) Ўзбекистонда жамият саломатлигини сақлашнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва юқумли касалликлар тузилишида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, ичак инфекциялари ривожланаётган мамлакатларда болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу доимий эпидемиологик мониторинг ва таҳлил ўтказиш заруратини белгилайди [7].

Ўзбекистоннинг энг зич аҳоли яшайдиган вилоятларидан бири бўлган, туманлари ўртасида иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилма жиҳатидан аниқ фарқлар мавжуд бўлган Самарқанд вилояти ЎИИ тарқалишининг макон-вақт қонуниятларини ўрганиш учун алоҳида кизиқиш уйғотади.

Тадқиқот мақсади: Самарқанд вилояти туманлари кесимида ўткир ичак инфекцияларининг учрашини таҳлил қилиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: 2014-2024 йилларда «Ўткир ичак инфекцияси» билан рўйхатга олинган болаларнинг маълумотлари асосида ретроспектив эпидемиологик тадқиқот ўтказилди.

Таҳлил усуллари:

1. 100 минг аҳолига тўғри келадиган юзага кўриш кўрсаткичларини ҳисоблаш.
2. Картографик усул (эпидемиологик хариталарни яратиш).
3. Статистик таҳлил (вариация коэффиценти, χ^2 мезони).
4. Вақт қаторларини таҳлил қилиш.

Натижалар ретроспектив ҳолда чуқур статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот муҳокамаси: тадқиқот натижаси Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига (БЮОКШ) ётқизилган 14 ёшгача бўлган болалар орасида ўтказилган кузатув натижаларига асосланган. Кузатув остига олинган беморлар Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилояти туманларидан мурожаат қилиб келишган (1-жадвал).

Беморларнинг манзилгоҳлари таҳлил қилинганида қуйидагилар маълум бўлди. Беморларнинг асосий қисмини Самарқанд туманларидан (59,5%) ва шаҳардан келган беморлар (40,5%) ташкил этди.

1-жадвал.

Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши

№	Беморларнинг ёши	%
1.	1 ёшгача бўлган болалар	42,9%
2.	1-3 ёшдаги болалар	44,1%
3.	3-7 ёшдаги болалар	8,8%
4.	7-14 ёшдаги болалар	4,2%
	ЖАМИ	100%

2-жадвалда 2014-2024 йиллар давомида ҳар ойда аниқланган ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш ҳолатларининг умумий сони кўрсатилган.


Жадвалдан кўриниб турибдики, ЎИИ билан касалланишнинг май ойидан бошлаб ошиши ноябрь ойига келиб камайиши қайд этилган.

Кузатув остига олинган беморларда йил ойлари мобайнида ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланиш ҳолати таҳлил қилинди ва қуйидаги фоизларда тақсимланди (1-расм).


Касалликнинг энг сезиларли ўсиши июлдан сентябргача қайд этилган. Ушбу ойлarda беморларнинг 56,3% шифохонага ётқизилган. Самарқанд вилоятида 2014-2024 йиллар ва ойлар давридаги (январ-декабр) ҳарорат тўғрисидаги маълумотлар қайта ишланди, ўртача ойлик ҳарорати ўрганилиб чиқилди.

Тадқиқот йиллари давомида ЎИИ билан ёш болаларнинг касалланиши ва ҳаво ҳарорати ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда ўртача ҳаво ҳароратининг май ойидан кўтарила бориши билан ЎИИ билан касалланиш сонининг ортиши қайд этилди. Беморларнинг шифохонага мурожаатини

ойлар кесимида кўриб чиққанимизда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан беморлар сони ошиши орасида тўғридан тўғри боғлиқлик кузатилди (2-расм).



1-расм. ЎИИ билан касалланишнинг йил ойлари давомида тақсимланиши



2-расм. 2004-2014 йиллар оралиғида ҳаво ҳарорати режими график кесмада тасвирланиши

Юқоридаги кўп йиллик маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилоятида ёш болаларда ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш ва ҳаво ҳарорати ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ЎИИ билан касалланиш кўрсаткичи ортиши йил ойлари кесимида июнь, июль, август, сентябр ойларида кузатилади. Сентябрь ва октябрь ойларида беморларнинг такрорий мурожаатлари ҳисобига касалланиш сонининг кўтарилиши аниқланилган.

Самарқандда ёз-куз фаслида касалликнинг кўп кузатилиши аниқланилди, энг юқори кўрсаткич август ойида қайд этилди (йиллик ҳолатларнинг 22,4%). Ҳаво ўртача ҳарорати билан ЎИИ кузатилиши ўртасида тўғридан-тўғри корреляция боғлиқлиги аниқланилди ($r=0,76$; $p<0,05$).

**Самарқанд вилояти Юқумли касалликлар клиник шифохонасида 2004-2014 йиллар давомида
хар ойда аниқланган ЎИИ билан касалланиш ҳолатлари**

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Январь	50	46	69	106	81	116	153	207	99	95	89
Февраль	55	21	67	79	110	114	145	101	92	92	204
Март	54	101	77	119	152	122	154	121	133	132	208
Апрель	69	100	104	137	159	150	199	137	205	173	295
Май	113	112	176	234	238	246	227	267	444	302	212
Июнь	194	147	225	289	428	404	349	429	828	708	480
Июль	212	263	323	453	592	593	546	592	737	818	657
Август	230	371	485	632	693	775	1102	794	944	852	1042
Сентябрь	242	429	429	558	530	550	778	900	779	824	1 017
Октябрь	217	329	387	328	393	329	456	597	589	653	1 124
Ноябрь	133	144	243	290	217	212	280	211	219	260	945
Декабрь	98	112	116	157	157	120	209	80	154	139	339
Жами	1667	2335	2701	3382	3750	3731	4598	4436	5223	5048	6612

**Самарқанд вилояти туманлари бўйича ЎИИ касаллиги тарқалиш даражаси (2014-2024
йиллардаги ўртача кўрсаткичлар)**

№	Самарқанд вилояти ту- манлари/шаҳар	Аҳоли (100.000)	Аниқла- нилган хо- латлар	100 000 аҳолига нисбатан кўрсат- кичи
1	Самарқанд шаҳри	540,2	2 512	465,1
2	Каттакўрғон шаҳри	298,7	1 260	421,7
3	Пастдарғом тумани	215,4	859	398,5
4	Оқдаре тумани	187,3	723	386,1
5	Ургут тумани	268,9	1 012	376,3
6	Самарқанд тумани	162,8	605	371,6
7	Булунгур тумани	103,5	374	361,4
8	Жомбой тумани	138,2	491	355,3
9	Пайариқ тумани	176,3	610	346,0
10	Иштихон тумани	124,7	425	340,8
11	Тайлоқ тумани	89,4	297	332,2
12	Пахтачи тумани	95,6	314	328,5
13	Кўшробот тумани	153,1	313	204,6
14	Нуробод тумани	121,8	229	188,3
Жами	3 175,9	10 024	315,2	

Таҳлил натижасида туманлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланилди ($p < 0,01$).

Самарқанд вилояти туманлари бўйича ЎИИ кузатилишининг гетерогенлиги "хатарли ҳудудлар" концепциясига мос келиб, бу қуйидаги омиллар мажмуи билан изоҳланиши мумкин:

Касаллик кўп кузатилган туманлар

***Шаҳар ҳудудлари (Самарқанд, Каттакўрғон)** - аҳолининг юқори зичлиги, фаол миграция, марказлаштирилган сув таъминоти тизимларининг фаол фойдаланилиши.

***Аграр туманлар (Пастдарғом, Оқдарё)** - мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, сувдан фойдаланиш хусусиятлари.

***Касаллик кам кузатилган туманлар (Нуробод, Кўшробот)** - асосан тоғли жойлар, марказлашмаган сув таъминоти, аҳолининг кам зичлиги (3-жадвал.).

Касалланганлар орасида болаларнинг юкори улуши (62,7%) жаҳон маълумотларига мос келиб, бу анатомик-физиологик хусусиятлар, иммун тизимининг етилмаганлиги ва хулқ-атвор хусусиятлари билан изоҳланади. Тадқиқот натижасида Самарқанд вилояти бўйича ЎИИ тарқалишининг жуда гетерогенлиги ва барқарор хатарли ҳудудлар аниқланилди. Олинган маълумотлар ЎИИ касаллигининг олдини олиш учун дифференциал ёндашув зарурлигини асослайди.

Хулоса:

1. ЎИИ билан касалланган болалар гуруҳи таҳлил этилганда 3 ёшгача бўлган болалар юкори хатар гуруҳи бўлиб, касалликнинг олдини олиш чораларини режалаштиришда алоҳида эътибор талаб қилади.

2. ЎИИ билан касалланиш ёз-куз мавсумида кўп учрашини эътиборга олган ҳолда шу мавсумда касалликнинг олдини олиш чораларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

3. Самарқанд вилоятида ЎИИ касаллиги туманлар кесимида нотенг тарқалган. Бу олинган маълумотлар ЎИИ касалликлари бўйича дифференциал (ҳудудлар бўйича турлича) профилактика дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини асослайди.

4. Таҳлил натижаларига кўра, ЎИИ ҳолатлари энг кўп Самарқанд шаҳри ва Каттакўрғон туманларида аниқланган. Бу ҳолат аҳоли зичлиги ва санитария-гигиена омиллари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Касалликнинг олдини олишда профилактик чоралар ва ичимлик суви сифатини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анваров Ж. А., Рустамова Ш. А. Болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотига замонавий ёндашув// Инфекция, иммунитет и фармакология. - 2022. - №. 5.- С. 250-255.

2. Вафокулов С. Х., Рустамова Ш. А. Особности кишечной микрофлоры у новорожденных //Экономика и социум. - 2024. - №. 5-2 (120). - С. 930-935.

3. ГМ Одилова, ША Рустамова. Иммунологические реакции при острой бактериальной дизентерии. Материалы конференции Молодежь и медицинская наука в XXI веке. 2019 гг. Страницы 177-178

4. Одилова Г. М., Рустамова Ш. А., Муротова З. Т. Клинико-лабораторные особенности течения кишечных инфекций сальмонеллёзной этиологии у детей //Педиатр. - 2017. - Т. 8. - №. S.

5. Орзикулов А. О., Рустамова Ш. А., Караматуллаева З. Э. Неврологические изменения при паротитной инфекции у взрослых (на примере Самаркандской области) //Uzbek journal of case reports. - 2023. - Т. 3. - №. 3. - С. 86-89.

6. ША Рустамова, НХ Вафокулова Сравнительный анализ проблемы острой кишечной инфекции у детей раннего возраста по годам в Самаркандской области.- Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси, - 2021. - С. 148-152.

7. Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х. «Самарқанд вилоятида эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари муаммоларини йиллар кеси-

мида солиштирма таҳлил қилиш». Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. Ежеквартальный научно-практический журнал №1 (Том 2) 2021 год. С. 101-104.

8. Рустамова Ш.А. Республикамизда болаларда ўткир юқумли ичак касалликларининг иқлимий ўзгаришлар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш (Самарқанд вилояти миқёсида). Биология ва тиббиёт муаммолари илмий амалий журнал. №3 (128) 2021 С.102-107.

9. Рустамова Ш. А., Кахрамонова А. К. Последствия у детей родившихся путем операции кесарево сечения (на примере Самаркандской области) //Uzbek journal of case reports. - 2023. - Т. 3. - №. 3. - С. 90-92.

10.Рустамова Ш. А. Газожидкостный хроматографический анализ микрофлоры кишечника у детей, родившихся с операцией кесарева сечения //инфекция, иммунитет и фармакология. - 1999. - С. 262.

11.Рустамова Ш. А., Кахрамонова А. К. Последствия у детей родившихся путем операции кесарево сечения (на примере Самаркандской области) //Uzbek journal of case reports. - 2023. - Т. 3. - №. 3. - С. 90-92.

12.Zhuraev Shavkat Abdukhuhidovich, YN Anvarovna, SA Rustamova, US Mukhtarovich, IS Buribaevna. Журнал «European Journal of Molecular and Clinical Medicine». Том 7. Номер 3. 2020. Страницы 2716-2721.

Иқтибос учун: Рустамова Ш.А. Самарқанд вилояти туманлари кесимида ўткир ичак инфекцияларининг учрашини таҳлил қилиш (2014-2024 йил) // Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси. – 2026. – № 4(24). – Б. 174–178. doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.19479403>